

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ  
ЕТИШТИРИЛИШИДА ИЛМИЙ МУАССАСА ВА СЕЛЕКЦИОНЕР  
ОЛИМЛАРНИНГ РОЛИ**

**Ҳайтов Жаҳонгир Шодмонович**

*Бухоро давлат университети*

*[jahongir.hayitov.89@mail.ru](mailto:jahongir.hayitov.89@mail.ru)*

**Аннотация:** Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўсимликларнинг янги навларини яратиш, уларни парваришилаш ва тарқатиш билан боғлиқ илмий изланишлар тарихи XIX аср охири - XX аср бошларига бориб тақалади. Ушбу мақолада Ўзбекистонда янги навларининг етиштирилишида илмий муассаса ва селекционер олимларнинг роли таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ўсимлик, станция, тажриба, пахта навлари, иқлим, тадқиқот институтлари

Россия империяси мустамлакаси йилларида Туркистан минтақаси моддий имкониятларидан потенциал фойдаланиш, ранг-баранг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, иқлимий шароитларни ўрганиш, янги экин навларини жорий этиш ва тарқатиш орқали хом ашё баъзасини бойитиш каби омиллар Россия маъмурларининг 1895-1896 йилларда маҳсус тажриба станцияси барпо этишга даъват этди. 1896 йил 28 февральда Империя Давлат Кенгаши, дехқончилик ва ер ишлари вазирлигининг маҳсус қарори “Тошкент тажриба станцияси” барпо этишга қаратилган бўлиб, 1897 йилнинг кузидаги Тошкент шаҳридан 12 чақирим (1 чақирим 1 км га яқин) узоқлиқда Тошкент Чимкент йўли ёқасида биринчи тажриба қишлоқ хўжалик станцияси очилди. Станция биносини қуриш, синов-тажриба ишларини бажариш, тажриба ер майдонларини сотиб олиш учун 23500 рубль маблағ ажратилди.<sup>1</sup> Тажриба станцияси 1897 йилда иш бошлаб,

---

<sup>1</sup> Местной обозрение (проект сельско-хозяйственной станции в городе Ташкенте)//Туркестанский сборник. Том 522. –С.29-31.

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS "

2023 Warsaw, (Poland)

1899 йилда станция учун қурилган бинога кўчиб ўтди, 1897-1902 йилларда станцияни профессор Гарник Гарницкий бошқарди. 1903 йил январдан Туркистон тарихида муҳим роль ўйнаган селекционер, таниқли олим Р.Р. Шредер станцияга раҳбарлик қилди.<sup>2</sup>

Тажриба станция 1906 йилга қадан ўнлаб Америка ва Миср пахта навларини, дон, мева, сабзавот ва полиз экинларининг юзлаб навларини Туркистон иқлим шароитида маҳаллийлаштириш, районлаштириш соҳасида кенг миқёсдаги ишларни амалга оширди. 1906 йилдан 1918 йилга қадар чоп этиб турилган “Туркистон қишлоқ хўжалиги” (“Туркестанское сельское хозяйство”) журналида Тошкент тажриба-синов станцияси фаолиятини сарҳисоб қилишга қаратилган юзлаб мақола, хабар, тавсияномалар берилди.<sup>3</sup>

1906-1908 йилларда Тошкент тажриба-станцияси фаолиятини кенгайтириш мақсадида жойларда маҳсус тажриба майдонлари ва тажриба-синов участкалари ташкил этилди. Туркистон генерал-губернаторлигининг 5 та вилоятида 5 та тажриба майдони, 5 та тажриба синов станцияси ташкил этилиб, Даشت чўл тажриба майдони учун 200 десятина, Андижон тажриба майдонига эса 27 десятина ер ажратилди. Тажриба-синов майдонлари ва тажриба-синов участкалари Туркистон минтақасининг Жиззах, Ўратепа, Кушка, шаҳарларида фаолият юритган. Айниқса, Даشت чўл ва Андижон тажриба майдонларининг фаолияти самарали бўлди.<sup>4</sup> Совет ҳокимиятининг 1917-1924 йилларда Туркистон минтақасидаги ҳарбий, сиёсий, иқсодий оғир вазияти (очарчилик, “Босмачилик”, “ҳарбий коммунизм” сиёсати, Туркистон АССР, БХСР, ХХСРда инқизорли ҳолатлар ва х.к. – диссертант) янги экин

<sup>2</sup> Шредер Рихард Рихардович (1867.15.10. Москва, 1944.27.04. Тошкент) Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, ЎзФА академиги, Мехнат қаҳрамони. Қаранг. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Том 10. Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашрёти. 2005. –Б.116.

<sup>3</sup> “Туркистонда қишлоқ хўжалиги (Туркестанское сельское хозяйство)” журнали “Қишлоқ хўжалиги Туркистон жамияти” (“Туркестанское общество сельского хозяйства”)нинг бир ойда бир бор чоп этилган нашридир. Қаранг. Ҳайитов Ж. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар (XIX аср охири – XX аср бошлари). Бухоро, Дурдона, 2018. –Б.134.

<sup>4</sup> Қаранг. Ҳайитов Ж.Ш. XX аср бошида Андижон тажриба майдонининг ўлкада янги экин навларини тарқатишдаги фаолияти//Водийнома (Андижон), 2019. №1 (12). –Б.12-15.

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS "

2023 Warsaw, (Poland)

навларини яратиш, хориждан олиб келиш ва тарқатиш борасидаги вазифаларини бажаришга ўз таъсирини кўрсатди. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш туфайли янги субъект сифатида Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши билан 1925-1939 йилларда олиб борилган ушбу йўналишдаги ишлар Тошкент қишлоқ хўжалик тажриба станциясида давом эттирилиб, пахта, узум, мева ва сабзавотларнинг бир қатор янги навларини яратилиши билан характерланади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва урушдан кейинги беш йилликлар даврларда “Марказ” топшириғи билан селекция соҳаси мутахассислари олдига асосан пахта янги навларини яратиш вазифаси қўйилганди.<sup>5</sup>

1924 йил “Туркистон селекция станцияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон нав синаш станцияси” иш бошлаб, кўп ўтмай, 1930 йилда тайёрланадиган экин навлари уруғларини назорат этиш учун Андижон, Урганч, Когон, Душанбе ва Чоржўйда уруғлик назорати бўлимлари очилди. 1932 йилда Тошкентда “Пахтачилик давлат инспекцияси” тузилганди. 1934 йилда Давлат нав синаш ишлари, Ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрига берилди. Селекторлик ишларини йўлга қўйиш, уруғликка ва навлар етиштириш, тарқатиш совет ҳокимияти йилларида 3 та босқични ўтди. Бу босқичлар: 1922-1925; 1927-1934; 1935 йилдан 1990 йилларга қадар. Биринчи босқичда экинларни уруғидан ва кўчатидан кўпайтириш ишлари илмий асосда бўлмай, асосан янгидан ривожланиш босқичида бўлганди. Иккинчи босқичда нав синаш ишларида селекцион станциялар роли ошиб, дехқонларга янги навлар босқичма-босқич тавсия этиб борилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўсимликлар селекцияси, янги экинларнинг маҳаллий наларини яратиш, хорижий навлар билан чатиштириш асосида дурагай навлар олиш, бу

<sup>5</sup> Кичанов М.И. Организованно и высококачественно провести подготовку к весеннему сезу и сев хлопчатника//Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. 1952. №1.-Б.1-3; Ибрагимов Ю. За высокие урожай хлопка на больших площадях//Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. 1952. №1. –Б.42-44; Отлично и быстро убрать урожай хлопка//Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. 1952. №4. –Б.2-4.

## INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS "

2023 Warsaw, (Poland)

йўналишда иқтисодий самарадорликни кўтаришга хизмат қиладиган илмий муассаса ва марказларнинг ягона тизимиға асос солинди.

Ўзбекистонда экинлар селекцияси, уруғчилиги, генетик ресурслари, хўжалик ҳаётдаги аҳамияти янги навларни яратиш ва жорийлантириш муаммолари билан бугунги кунда 13 та илмий тадқиқот институти фаолият олиб боради. Ушбу илмий тадқиқот институтлари сирасига қўйидагилар киради.

Юқорида номлари зикр қилинган илмий тадқиқот институтларининг вилоят ва шаҳарларда ўнлаб филиаллари, илмий тажриба ва участкалари мавжуддир. Хуллас, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган илмий тадқиқот институтлари, уларнинг тажриба станциялари, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи соҳага оид йўналишлар олим, илмий-ходим ва профессор ўқитувчилар томонидан кенг қамровли селекция ишлари олиб борилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хайтов, Жахонгир Шадмонович. "ИСТОРИЯ О РАСПРОСТРОЕНИИ ДЕКОРАТИВНЫХ ДЕРЕВЬЕВ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ (В КОНЦЕ XIX-В НАЧАЛЕ XX В.)." *Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития.* 2019.
2. HAYITOV, J. "History of dissemination of the ornamental trees' new types in Turkestan (the end of XIXth-beginning of XXth centuries)." *Scientific journal of the Fergana State University* 1.6 (2019): 61-63.
3. Hayitov A. S., Hayitov J. S. Comments on uzbek school “model” in Gulja (PRC) // Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2021. – T. 11. – №. 2. – С. 1566-1571.
4. Hayitov J. O'zbekistonda donli ekin navlarining tarqalishi tarixi // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS "**

2023 Warsaw, (Poland)

5. Хайтов Ш. А., Юлдашев А. Б. Переселенческая политика советского правительства и история переселения узбеков в Таджикистан //Гуманитарно-педагогические исследования. – 2019. – Т. 3. – №. 2.
6. Хайтов Ш. А. Историческая судьба туркестанских военнопленных второй мировой войны //Метаморфозы истории. – 2015. – №. 6.
7. Khayitov S. A., Teshaev A. T. THE PROCESS OF UNION OF GERMANY: ACTIVITY OF HELMUT KHOL //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 271-275.
8. Khayitov S. A. UZBEKS IN RUSSIAN FEDERATION: HISTORICAL ANALYSIS (1991-2015) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 3. – №. 2. – С. 204-207.
9. Хайтов Ш. А., Норов Ш. С., Сувонова Ж. Ш. ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНЫХ ОБЩЕСТВЕННЫХ ДВИЖЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА В РЕАЛИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЁЖНОЙ ПОЛИТИКИ (НА ПРИМЕРЕ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ) //apni. ru Редакционная коллегия. – 2021. – С. 16.
10. Hayitov S. hududiy chegaralanish //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
11. Hayitov S. A. THE TURKISTANI MEDIA IN THE TURKISH REPUBLIC (1920-1960) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 3. – №. 3. – С. 249-254.
- 12.Хайтов Ш., Мажидов Ж. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУРУҚЛИК ВА ҲАВО ТРАНСПОРТИ: ЕЧИМ ВА МУАММОЛАР //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 506-510.
13. Hayitov S. A., Rizaev B. N. HOZIRGI BOSQICHDA O ‘ZBEKISTONNING CHEGARAVIY-HUDUDIY MUAMMOLARI //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 597-603.

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS "**

2023 Warsaw, (Poland)

- 14.Хайитов Ш. А. Общественные организации Узбекистана в развитии международных связей страны (70-80-е гг.) : дис. – Академия наук респ. Узбекистан. Ин-т истории, 1991.
- 15.Хайтов Ш. А., Норов Ш. С. Исторический процесс разработки и принятие законов, на основании региональных сущностей о молодежи Узбекистана в период 2016-2020гг //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 81-88.
- 16.Azimova K. K. Ijodiy topshiriqlar o'quv motivlarini shakllantirishning samarali vositasi sifatida //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 349-354.
- 17.Shodmonovich H. J. SPREAD OF NEW TYPES OF CORPS IN TURKISTAN CONTINENT AT THE END OF THE 19TH-AT THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURIE //European science review. – 2018. – Т. 1. – №. 11-12. – С. 24-26.
- 18.Hayitov J. S. HISTORY OF RASPROSTROENII DEKORATIVNYX DEREVEV V TURKESTANSKOM KRAE (V KONTsE XIX-V NACHALE XX V.) //Russia-Uzbekistan. International educational and socio-cultural technologies: vectors of development. – 2019.
- 19.Hayitov J. ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАВЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 27. – №. 27.
- 20.Hayitov J. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ ЎРНИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 27. – №. 27.
- 21.Shodmonovich H. J. O'zbekistonda uzumchilik tarixi va sohadagi ilm-fan yutuqlari //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 106-109.

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "THE TIME OF SCIENTIFIC  
PROGRESS "**

2023 Warsaw, (Poland)

22. Hayitov J. A XX аср биринчи чорагида Туркистанда чорвага озуқабоп янги экин навларининг тарқалиши тарихи: Xorijiy maqola // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
23. Хайтов Ж. Мустақиллик йилларида Фарғона вилоятида янги экин навларининг тарқалиши тарихидан // Актуальные проблемы истории Узбекистана. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 621-626.